

Маълумки, давлат раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Маълумки, давлат раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган иккинчи ташаббус асосида жорий йилнинг 25-феврал куни Узун тумани Мустақилликнинг 22 йиллиги маҳалласида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг “мини футбол” тури бўйича туман “ҲОКИМИ КУБОГИ” спорт мусобақаси ташкил этилди. Мусобақада 1200 нафар ёшлар иштирок этишди. “мини футбол” спорт тури бўйича 1-ўринни Мустақилликнинг 22 йиллиги маҳалласи, 2-ўринни “Чақар” маҳалласи ва 3-ўринни “Кичик Жончекка” маҳаллалари ўринларни эгаллашдилар. Тақдирлаш маросимида шахсан туман ҳокими Б.Турсунов томонидан биринчи ўринни эгаллаган Мустақилликнинг 22 йиллиги жамоасига 5 млн.сўм, иккинчи ўринни эгаллаган Чақар жамоасига 3 млн. сўм, учинчи ўринни эгаллаган Кичик Жончекка жамоасига 2 млн сўмлик сертификатлар тантанали равишда топширилди.

Ундан ташқари, маҳалладаги уюлмаган ёшлар ўртасида арқон тортиш, тош кўтариш, стол тенниси ва шахмат шашка мусобақалари ўтказилди.

Арқон тортиш мусобақасида 1-ўринни Мустақилликнинг 22 йиллиги маҳалласи, 2-ўринни Бешкапа маҳалласи ва 3-ўринни Янгийўл маҳалла ёшлари эгаллашди ва уларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари берилди.

Тош кўтариш мусобақасида 1-ўринни Янгийўл маҳалла ёшлари, 2-ўринни Оқостона маҳалласи ва 3-ўринни Кичик Жончекка маҳалла ёшлари эгаллашди ва уларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари берилди.

Маҳаллада ҳарбий оркестр ва бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг концерт дастурларини ўз ичига олган “Ҳарбий ватанпарварлик карвонлари” ҳамда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида “Ёш гвардиячи”

ҳарбий спорт мусобақалари ташкил этилди.

Тўртинчи ташаббус асосида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалладаги 19-сонли умумтаълим мактабида “Китоблар ярмаркаси” ўтказилди.





